

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

# FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

## Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир  
Масъул муҳаррир**

МАКСУДОВ Р.Х.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)  
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)  
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)  
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)  
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)  
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)  
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)  
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)  
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)  
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)  
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)  
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)  
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

## Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)  
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)  
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)  
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)  
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)  
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)  
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)  
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)  
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)  
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АҲМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)  
СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)  
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)  
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)  
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)  
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)  
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)  
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)  
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)  
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)  
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)  
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)  
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)  
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)  
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)  
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)  
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
  
**Мусаҳҳихлар:** Шералиева Ж.  
Мамаджонова М.

**Таҳририят манзили:**  
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 100 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,  
2021.

---

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

**Қ.Йўлчиев**

Лирик шеърда сюжет ва топохронос ..... 102

**С.Эшонқулов**

Нодира лирикасининг бадиият олами асослари ..... 108

---

## ТИЛШУНОСЛИК

**А.Мамажонов**

Ўзбек тилида сабаб-натижа муносабатининг ифодаланиши ..... 113

**З.Рахимов, Ш.Искандарова**

Фарона тилшунослик мактаби ..... 116

**Р.Шукуров, Г.Жўрабоева**

Ёзма манбаларда ўш астионими ва унинг келиб чиқишига доир ..... 123

**М.Абдуллаттоев**

Поэтик нутқни ўрганиш масалалари ..... 128

**З.Алимова**

Форсча-тожикча ўзлашмаларда вокализмларнинг ўзгариши ..... 133

**Ш.Дадабоева**

Қиёслаш муносабати ва унинг универсал жиҳатлари ..... 138

**Н.Якубова**

Жумбоқли матнлар лингвистик тадқиқот обьекти сифатида ..... 142

**Л.Абдуллаева**

Инициализмлар инглиз юридик аббревиатуралар сифатида ..... 146

---

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

**Н.Расулова**

Адаптив интеллектуал таълим муҳитида индивидуаллаштирилган ўқув жараёнининг  
моделлари ..... 150

**Г.Хамраева**

Касб таълими йўналиши талабаларининг рақамли компетенциясини ривожлантириш  
усуллари ..... 157

---

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

**М.Мирзарахимов, А.Сирохиддинов, Ж.Назирқулов**

Реал вақт режимида тизимдан малакали кадрларни танлаб олиш алгоритмини  
норавшан мантиқ асосида тадқиқ этиш ..... 163

**М.Султонова**

Ўзбекистонда телетибиёт тизимини ташкил этиш тизими модели  
ва ундаги муаммолар ..... 167

**Н.Қодирова, И.Асқаров, Б.Дўумонов, М.Акбарова**

Айрим совунлар ва синтетик кир ювиш воситалари таркибига кирувчи сирт фаол  
моддаларнинг мицелляр ҳолати ва уларни таснифлаш ..... 171

**И.Асқаров, М.Холматова**

Балиқ маҳсулотларининг кимёвий таркиби ..... 175

**Х.Муйдинов, Ж.Қодиров**

Қорамол тери ости бўқалари: Қорақалпоғистон Республикаси шароитида бўқалар  
ҳашаротларининг учиш муддатлари ..... 180

**Ш.Усанов**

Янги Ўзбекистон ёшлар сиёсати тизимида оила-маҳалла ҳамкорлиги масалалари ..... 183

**А.Эшниязова**

Ижодкор биографияси ва уруш фожиаси ..... 187

**Т.Рузибоев**

Жудолик Навоий талқинида ..... 191

**Ш.Махмиджонов**

Рұхият қирраларининг бадиий талқинлари ..... 195

УДК: 8-14

ЛИРИК ШЕЪРДА СЮЖЕТ ВА ТОПОХРОНОС

СЮЖЕТ И ТОПОХРОНОС В ЛИРИЧЕСКОМ СТИХОТВОРЕНИИ

ТОПОХРОНОС AND PLOT IN LYRIC POEM

Йўлчиев Қаҳҳор Ваҳобовиҷ<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Йўлчиев Қаҳҳор Ваҳобовиҷ

– ФарДУ докторанти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

**Аннотация**

Мақолада лирик шеърнинг шаклпанишида топохроноснинг ўрни ҳакида сўз юритилади. Бунда макон-замоннинг лирик композицияни ташкил этиш хусусияти, маконий деталларнинг, лирик кечинманинг ўсиб бориши, лирик субъект ўй-фикрлари ифодасидаги аҳамиятига алоҳида дикқат қилган. Муаллф Ҳабибулло Саид Гани, Усмон Азим шеърлари ёрдамида лирик топохроноснинг функцияларини очиб берган.

**Annotation**

In the article the role of the topochronos in the formation of lyrical poetry is discussed. At the same time, the special attention is paid to the organizational features of the lyrical composition of space-time, the growth of spatial details in the lyrical experience, the importance of the lyrical subject in the expression of thoughts. Using the poems of Usman Azim, Habibullo Said Ghani the author revealed the functions of the lyrical topochronos.

**Annotation**

The article discusses the role of the topochronos in the formation of lyrical poetry. At the same time, the special attention is paid to the organizational features of the lyrical composition of space-time, the growth of spatial details in the lyrical experience, the importance of the lyrical subject in the expression of thoughts. Using the poems of Usman Azim, Habibullo Said Ghani the author revealed the functions of the lyrical topochronos.

**Таянч сўз ва иборалар:** топохронос, топос, вақт, деталь, образ, кечинма, ижодий жараён, лирик композиция, лирик сюжет.

**Ключевые слова и выражения:** топохронос, топос, время, деталь, образ, переживание, творческий процесс, лирическая композиция, лирический сюжет.

**Keywords and expressions:** topochronos, topos, time, detail, image, experience, creative process, lyrical composition, lyrical plot.

Топохронос атамасини филологияга жорий этган М.В.Никитин нутқий фаолиятга таъриф бераётуб, вақт ҳаракати, ҳаракатнинг замон бўйлаб тақсимланиши ёки ҳаракатнинг вақт бўйлаб ўтиш усули, обьектга, воситага муносабати, нутқий фаолият ва уни амалга ошириш тезлиги, воситаси, шартлари, мақсад ва натижалар реалликка нисбатан маконий мўлжалдир, деган фикрни айтади [6, 59-60]. Демак, лирик шеър (умуман олганда, бадиий матн), муаллиф ва ўқувчи (китобхон) ўртасидаги алоқа воситаси, мулоқот кўриниши сифатида маълум маконда юз беради. Бу эса лирик шеър ва ундаги кечинма, ўй-фикрларнинг сатрма-сатр ўсиб бориши лирик воқеликка

Ётар оstonамда танҳо заъфар барг,  
Шамолнинг оҳидан тўкилган парча.  
Бу – ғамгин кузакдан энг сўнгги дарак,  
Энг сўнгги ноладир яшаб чарчаган [7,22].

Банднинг биринчи мисраси сюжет  
композициясига кўра экспозициянинг

алоқадор эканлигини исботлашни талаб этади.

Лирик шеъриятда образ ва тил мавжудлигини кўпчилик эътироф этади, лекин лирик шеъриятда сюжет мавжудлигига иккиланувчилар ҳам учрайди. Тўғри, тавсифий, медитатив, ижровий лирикадаги сюжет эпик асаддаги каби аникроқ кўринмаслиги мумкин. Лекин шеърда ҳам ўй-фикр кўринишидаги воқелик, кечинма динамикасидаги сюжет ва унинг экспозиция, воқеалар ривожи, кульминацион нуқтаси бўлади. Аксарият шеърларда сюжет кечинма ўсишининг юқори нуқтасида тугайди. Унинг ечими ўқувчига қолдирилади. Масалан,

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

бошланиши, мазмуний композицияга кўра эса тезис вазифасида келган. Иккинчи мисрада метафорик усул ёрдамида барг деталини шамолнинг охидан парчага ўхшатилишида эса параллел равишда лирик субъект кечинмаси табиатидаги теран ғам кўринади. Шамол детали образга айланиб, унинг дарди, оҳу ноласидан парча сифатида барг олинган. Шамол куз ойларида иложисизликдан, чорасизликдан дод солиб ўкирган, дунёни остин-устун қилмоқчи бўлган одамга ўхшаб, дараҳтларни силкитади, майсаларни юлқиб кетмоқчи бўлади, ковакларга кириб увлайди. Ушбу парчадаги пейзаж орқали фикр ва туйғуларнинг ўзига хос диалектик ривожини акс эттирас экан, “шоир қаламида жило топган муайян шахс портрети ёки оддийгина табиат манзараси замирида ҳам қалб уришлари, ҳислари, кечинмалари ётади”[4,300]. Биргина барг детали лирик субъектнинг ёлғизлигини, умр шамоллари унинг орзу-истакларини узиб ташлаганлигига ишора бор. Баргни заъфар эпитети билан сифатлаб, деталь мазмунига ўзига хос аниқлик киритилган. Шеърнинг поэтик ғоясини ёрқин очиш учун барг деталининг шеърдаги шаклий-мазмуний тизими – барг → япроқ→хазондан унумли фойдаланилган. Бу тизим лирик субъектнинг эстетик идеалига олиб борувчи восита сифатида ҳам эътиборга лойиқ бўлиб, улар замиридаги лирик воқелик аниқ маконда тасаввур қилинади. Унга ёрдамчи деталлар – “остона”, “шамол”ларнинг танланишида шоирнинг аниқ нияти ётади. Чунки шоир заъфарон баргни бошқа ерда ҳам кўриши

Сен нечун алвидо демасдан, гулим.  
Пинҳон юборибсан мажозий япроқ?  
Хазон – қовжираган тилсиз мактубинг,  
Исмсиз тилагингдан тўкилган фироқ.

Шеърнинг етакчи хусусияти фикр ва туйғунинг ўзаро ўйғун равишда табиат манзараси орқали инсон руҳига кириб боришида кўринади. Одам азиз кишини интизор кутганда, кўзи тушган барча нарса хаёлида ўша одамдан хабар бераётгандек туюлади. Шунга кўра, лирик субъект баргда ўз маъшуқасининг мактубини кўряпти. Бу, ажойиб метафора бўлиб, мактуб инсон руҳиятини тўлароқ ифодалашга хизмат қиласи. Шоир аввалги бандда асосий тасвир детали сифатида барг, япроқ сўзларини кўллаган. Кейинги сатрдаги хазон эса барг, япроқ қисматидаги фожиавийликни янада

мумкин. Бунинг устига шамол келмаса ҳам кузда барглар тўкилади. Остона айнан уйнинг бошланиши ёки, акси, кўчанинг тугаши бўлиб, икки оралиқнинг ўртаси саналади. Бу, бадиий маконнинг лирик сюжетдаги ўрнида фарқлари борлигини кўрсатади. Уй топохронос сифатида, аввало, ватан, лирик субъект вужуди, туйғулари, орзулар билан боғлиқ қадрдан жой бўлса, остона ташқи макон сифатида реал ҳаётнинг, уйда айтиладиган нарсаларга бироз зид келадиган, ўзига хос тартиб, қоидага эга бўлган жойнинг бошланиши сифатида эътироф этилган. Демак, остона маконий деталь сифатида мазмуний структурани бойитади. Шуниндек, остонадаги барг тимсолида лирик субъектнинг икки ўт орасида азобланётган юрагининг тасвири бор. Заъфарон барг эса дардан тўла юрак маъносида келади. Шоир табиат тасвири орқали инсон ички кечинмаларини очиб беришнинг ўзига хос йўлини топган.

Айни пайтда таъкидлаш лозимки, лирик шеърдаги бадиий ғоя, муаллиф ниятидан фарқ қилиши мумкин. Тўғри, бадиий ғоя асосида муаллифнинг нияти ётади. Бу эса ифодаланаётган лирик сюжет мазмунига салмоқ бағишлияди. Шеърдаги туйғу ва фикрларнинг ўзаро, диалектик равишда ўсиб бориши натижасида бутунлай янгича кўриниш касб этиши мумкин. Табиатдаги шамол ва у учиреб келган заъфарон япроқни кўрган лирик субъект беихтиёр ўз дилидаги кечинмаларни юзага чиқаради:

кўчайтирган. Бу, ўз навбатида, лирик субъектдаги кечинма ва ўй-фикрнинг тадрижий ўсиб боришини кўрсатмоқда. Айнан шу ерда япроқ образга айланган. Унинг образга айланишида хазоннинг мактубга ўхшатилиши ва тилсиз сифатида берилишида яққол кўринади. Лирик субъект дилидаги чексиз кечинмалари ва “исмсиз тилак”дан айрилиши орқали ўзининг ниятини бермоқчи. У биладики, идеал ҳарчанд уни чорласа ҳам, маёқ каби кўнглига нур берса ҳам у олисда эканлигидан афсусда, чорасизлик уни эзади. Ўртада масофа, кўнгил синиқлиги ва руҳ бутунлиги бор. Бу

ердаги тушкунлик аслида мاشақкат, азоб ва изтироб жараёнида рухни, қалбни сайқаллашга олиб боради. Шунинг учун у

Мен ҳам дардларимни байни баҳор  
Тўкиб ташлагандим минглаб дарахтга,  
Менинг кўз ўнгимда сарғайди ночор  
Яшил япроқлари сифиниб баҳтга.

Юқоридаги сатрлар орқали лирик субъект оддий киши эмаслигини у том маънодаги ШАҲС, ИНСОН эканлиги намоён бўлади. Чунки ўзининг яратиш иштиёқи, яшаш дардини табиатга берадиган кишининг қалби улкан ва унинг томирлари теран бўлади. Бу томир умуминсоний қадрият ва маънавий меросдан сув ичади. Туйғулар андиша, кечинмалар ибоси билан пардаланади. Ана шу парда ортидан идеалга талпинади, лекин етмайди. Чунки идеалга етишиш инсоннинг ўсиши ва

Хушбахт куйлай олмас рангин қушчалар,  
Хушбахт куйлай олмас оғочлар бу кун.  
Мени сендан тўсизб қўймиш шунчалар,  
Ёнган хазонлардан сирқиган тутун...

Барг образ сифатида лирик субъект ва идеал ўртасидаги муносабатнинг бир нуқтасига етиб келди. Бу ерда рангин қуш ва оғочлар куйлай олмайди. Чунки мукаммалликка интилаётган лирик субъект кўзига кузги дарахтларнинг ўзига хос гўзаллиги-ю кузакдаги қушларнинг сайрашларидан кўра, ўша дарахтлардан тўкилган ва хазонга айланган баргнинг фожиаси кўринади. Бу, унинг қалби тимсоли сифатида ҳам олинishi мумкин. Қалбдан чиқаётган “тутун” лирик субъект ва идеал ўртасига парда солади. Энди лирик субъект ўз-ўзидан ёниб кулга айланиши шарт. Чунки унинг кўнглидаги кечинма шоир ниятининг юзага чиқиб бўлганини кўрсатса, иккинчи томондан унда ҳали хаётга муҳаббат кучли, у яшаш, яратишга муштоқлигини ҳис этади. Шунинг учун дарахт ва қушчалар тимсолидаги ўз орзу ва умидларини бу кун хушбахт бўлолмаслигини билса-да, қачондир ўсиши ва қуш қайта сайрашига ишонч борлиги сезилади. Бу ишонч тутун детали орқали ҳам кўриняпти. Чунки тутун лирик субъект ва унинг идеали ўртасида парда бўлиб турса-да, бу вақтингчалик ҳодиса бўлиб, у қачондир тарқайди, лекин ҳозирча унинг вазифаси лирик субъектга халақит бериш, эстетик идеалга интилиш йўлидан четга чиқаришга уриниш, холос.

маконий деталларда аниқ ўзлигини, идеалга борадиган йўлни сезяпти. Аммо идеалга етишиш учун лирик субъектга вақт керак.

Маконий деталларда аниқ ўзлигини, идеалга борадиган йўлни сезяпти. Аммо идеалга етишиш учун лирик субъектга вақт керак.

тараққиётига нуқта қўйиш билан баробардир. Буни лирик субъект яхши тушунади ва англайди.

Бундан ташқари, шеърдаги кечинмалар динамикаси, бадиий мулоҳазалар, яъни сюжет такомили ҳали лирик субъект умидида сўниш йўқлигига ишонтиради, дарахтлардаги яшил япроқ унинг умиди ва у энди сарғайганига яна бир ишора бор. Демак, лирик қаҳрамон ўзини йўқотгани йўқ. Ўз дардига таскин излайди:

Хушбахт куйлай олмас рангин қушчалар,  
Хушбахт куйлай олмас оғочлар бу кун.  
Мени сендан тўсизб қўймиш шунчалар,  
Ёнган хазонлардан сирқиган тутун...

Унинг тушкун кечинмалари остида курашчанлик бор.

Таҳлилдан кўриниб турибдики, шоир ўз шеърида ўй-кечинмалари орқали лирик сюжетни тасвирлар экан, пассивликдан фаолликка, оддийликдан мураккабликка қараб борган. Бу эса, ўз навбатида, лирик композиция, фикр ва кечинмалар диалектикаси шунга мутаносиб равишда ривожланиб борганини билдиради. Шунинг учун шеърда кескин фикрлар, исёнкор туйғулар кўзга ташланмайди. Аммо мавзу ва ғояни ифодалашга хизмат қилган оддий тасвир ёрдамида ҳаётнинг қийин, мураккаб муаммосини ҳал этишга уринган ва уни ечган. Лекин бу ечим шоирни қониқтирумайди. Шунинг учун шеър сўнгига нуқта қўйилмаган. Кўп нуқта ўқувчини ҳам шеърда кўтарилган муаммо устида бош қотиришга ундайди.

“Маълум макон-замон бирлигинининг парчаси-образи сифатида реал олам қонунларига мувофиқ тўлдирилиб ва ўзгариб турадиган топохронос макон-замон муносабатлари (қайта ифодалаш ва тасвирлаш)нинг шакли сифатида Бахтиян хронотопига қарши қўйилади” [5,652]. Дарҳақиқат, кичик лирик шеърий матнда акс этган олам парчасида ўзгариб, ривожланиб турадиган олам акс этади. Бу, мураккаб руҳий-психологик жараён бўлиб, санъаткор

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

воқеликни бадиий идрок этиш жараёнида уни уч ўлчамли маконда тасаввур қиласы. Сүнгра ана шу тасаввурдаги предмет, воқеа-ходисага ва жараёнга субъект муносабати шаклланиши билан диспозициядаги воқеаларнинг ўзгариши, ривожи бошланади. Бироқ у ҳали бадиий асар әмас. Биз учун ижодкор хаёлида шаклланаётган ижодий жараёндаги муҳим жиҳат, бу, маконнинг бирламчи эканлигидир. Чунки ижодкор расм чизадими, ҳайкал ясайдими, ҳикоя яратадими, шеър ёзадими, аввало, ўзини қийнаётган муаммо, бадиий ниятни ифодалаш учун керакли макон структурасини шакллантиради. Бу диспозиция дейилади. У композицияга

У боғда сен қолдинг –

Дараҳтлар билан.

Қушлар билан қолдинг. Тушларинг билан...

Юрагингдан мени айладинг барҳам,

Қандайдир бекайғу ишларинг билан

Сўзларингда нега шеър йўқ?

Билмайсан [2,107].

Мазкур шеърда дастлаб умумий макон – боғ ифодаланган. Кейин эса шоир тасвирга янада аниқлик киритади ва дараҳтлар, қушларни келтиради. Аслида боғ макониданоқ ўқувчи хаёлида ассоциатив тарзда дараҳтнинг кўплиги, унда қушлар борлиги ҳақидаги тасаввур шаклланади. Бу тасаввур ва ташқи борликдаги маконда ўхшашиб бор, лекин шеърдаги тасвир фонида лирик субъект мурожаат қилаётган шахс борлиги маконга муаллифнинг ўзгача бадиий эстетик-функцияси юкланганини

Фақат қуриб қолган дараҳтни кўрсанг,

Йиглайсан ...

Негадир ўксиб йиглайсан.

Шу ерда образнинг қалб диалектикаси, кечинмалар ҳаракатини англаш мумкин. Айнан ундаги рух ва армонли қалб бадиий образнинг ноёб кечинмалари, лирик субъект туйғулари эволюциясини билдиради. Қуриган дараҳт тимсолида ўзининг қачонлардир юксак орзу ва ҳиссиётта тўла қалбини, армонга айланган муҳаббатини кўради. Буни ретроспектив сюжет тури, деб олиш мумкин. Шоир тасвир сўнгига мазмуний зиддиятни ифодалар экан, боғ маконининг шеърдаги лирик воқеликни яхлит

Гул бўйи кирди учиб ...

Ховлига боқдим наҳор.

Боғни ям-яшил қучиб,

Гуллаб турибсан, баҳор.

материал беради, холос. Композицияда эса реал макон тўлалигича қайта яратилмай, балки зарур маконий деталлар орқали эскиз ҳосил қилинади. Зоро, “табиат – умуман осмон билан ер, шунингдек, инсон ҳам биргина ҳаво бўшлиғида умр кечирмайди, балки ўзлигини ариқлар, дарёлар, тепаликлар, тоғлар, воҳалар, ўрмонлар, даралардан иборат муайян макон бағрида ҳис этади ва фаолият кўрсатади” [3,208]. Демак, лирик шеъриятда бадиий макон тасвирий деталь ёки лирик кечинмага алоқадор барча предмет, нарса-буюмлар билан тўлдирилиб берилади. Буни қуидаги шеър таҳлилида кузатиш мумкин:

билдиради. Унда қачондир ўзи меҳр қўйган маъшуқа образини туш, юрак, шеър каби деталлар ёрдамида ўтган ва ҳозирги замон доирасида тасвирлайди.

Шеър ижровий лирикага мансуб бўлиб, туш, юрак, шеър деталлари образнинг ички ва ташқи олами гўзаллигига ишора қиласи. Лекин яхлит тугалланган лирик шеър бўлиши учун бу ерда рух, қалб ва идрок бирлиги етишмайди. Шунинг учун шоир юқоридаги тезислар охирига антitezис, мазмуний зидлашишни кўшади:

Фақат қуриб қолган дараҳтни кўрсанг,

Йиглайсан ...

Негадир ўксиб йиглайсан.

асар даражасида ифодалашга эришган. Боғ маконининг марказидаги маъшуқа образи лирик субъект илгари сураётган бадиий ғоя, мавзунинг қалити ҳисобланади. Лирик кечинмаларда биографик мълумотлар ҳам учрайди. Хусусан, лирик субъект баҳтиёр дамлари, ёшлиги, севгисини ва энди у кунлар ўтганига ишора қиласи. Демак, бадиий макон марказида инсон ва унинг руҳини таҳлил этиш вазифаси турибди. Айнан шундай вазифани Усмон Азимнинг “Баҳор завқи” шеърида ҳам кузатиш мумкин:

Бу шеърий парчада ҳам боғ топоси қўлланган бўлиб, унинг вазифаси аввалгидан бирмунча фарқ қиласди. Лирик субъект хонасига ташқаридан гулнинг муаттар бўйи оқиб киргани ва бу ҳовли (топос)да кезиб юрган баҳор туфайли эканлигини ифодалар экан, баҳорни образга

айлантиради. Бу, бадиий мурожаат билан амалга оширилган.

Боғ, гул деталлари маконий структурани билдирса, баҳорнинг яшил боғни қучиб туришида баҳор образининг портрети берилган. Кейинги сатрларда эса ёмғир ёғиши метафорик асосда гўзал тарзда ифодаланган.

Томчиларнинг галаси –  
Тангри берган имтиёз:  
Сочилмоқда бошингдан  
Беҳисоб митти парвоз.

Шеърда руҳий параллелизмдан фойдалангани мазкур бандда янада очиқроқ намоён бўлади. “Томчилар галаси” – ёмғир ёғиши баҳорда майсалар учун алоҳида аҳамиятга эгалиги акс этган. Шоир ҳовлидаги боғда кечётган жараённи тасвирлар экан,

Менга нега боқасан  
Ҳайрат ичидা, кўклам,  
Ўзи менга не бўлган –  
Гулладиммикан

мен ҳам? [2,44].

Тавсифий шеърларнинг аксариятида шоир ўзи идрок этган воқеаликнинг штрихларини чизиш орқали, ўз ички олами (ботиний макон)даги кечинмаларни ифодалайди. Бунда тасвирланаётган маконий штрихларнинг қолгани ўқувчи онгода ассоциатив тарзда шакллантирилади. Шоир поэтик образнинг маконий мавжудлигини тасдиқлаш орқали образнинг характер қирраларини ҳам акс эттиради. Бунда унинг руҳи, қалбида кечётган суур ташки макон билан мувофиқликда ҳаракат қиласди. Натижада шеърдаги кўтаринкилик, гўзаллик пафоси ўқувчига ҳам кўчади. Чунки образнинг етакчи хусусиятларидан бири, ўзининг бадиий-эстетик юкламасини бошқаларга етказиш бўлиб, юқоридаги шеърда гедонистик таъсирнинг етказилиш жараёнини шоир руҳий параллелизм орқали кўрсатган. Демак, лирик воқеалик бошланган жой шоир ботиний макони бўлиб, сўнгра матнадаги ҳовли тасвирига кўчган ва ундан ўқувчи ботиний оламига қайта узатилган. Шу ерда ташки макон билан ботиний маконнинг ўзаро алоқаси, бир-бирига таъсири ҳамда шеърнинг матнгача бўлган тузилмаси, яъни ташки макон-ботиний макон-ўқувчидаги таассурот яхлит композиция сифатида кўзга ташланади.

Юқоридаги шеърда ва, умуман, барча шеърларда ҳам шундай, шоир қалбида

кечаётган жараёнлар ўзига қадрдан бўлган турли кечинма ва ҳис-туйғуларни, ўтмишдаги образларни имкон даражасида тасвирланаётган бир макондаги ягона образ атрофида бирлаштиради. Натижада шеърда ягона композиция, унда акс этган сюжет макон бўйлаб ҳаракатланади. Зоро, бу ижод жараённинг ўзига хос тамоили бўлиб, буни Гастон Башлярд қуидагича изоҳлайди: “Теран қадриятларнинг феноменологик тадқиқи учун, ўз-ўзидан аёнки, уйнинг ёпик макони ўзига хос қулайликка эга. Албатта, бир шарти билан, биз уйни уйғун ва бир вақтнинг ўзида мажмуувиликда оламиз ҳамда унинг барча қисмларини асосий қадрият сифатида интеграциялашга ҳаракат қиласиз. Уй биз учун тарқоқ образлар ва шунинг билан бирга, яхлит образ манбаидир. Ҳар иккала ҳолатда ҳам тасаввур реалликнинг аҳамиятини кўчайтиради. Ўзига хос тортишиш кучи образларни уй атрофида тўплайди” [1, 39]. Айнан сюжет воқеаларига алоқадор деталь, образларни бир маконга тўплаши, шеър мазмунидаги асосий ғоя, лирик кечинма ва муаммонинг ёрқинроқлигини таъминлайди. Бироқ шоир тасвирлаётган макон ҳақидаги хотира, кечинмалар орасидан шеърдаги образ ва ғояга оид аниқ моҳиятни ажратиб бера олиши катта муаммо ҳисобланади. Чунки ижодий жараёнда тасаввур шоир хаёлларини бошқа томонга олиб кетиши ва

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

ифодаланиши лозим бўлган муаммодан бутунлай бошқа нарсани ифодалаши мумкин ёки тасаввурдаги образнинг керакли даражада очилмаслиги, кечинмалар зарур образ атрофига бирлашмаслиги ҳолатлари ҳам учрайди. Натижада шеърдаги бадиий макон ва тасвирида парокандалик юз беради. Лирик воқелик тасвиридаги узилиш, кечинмаларнинг синиши, кескин бурилишида ҳам акс этса, бу, шеър бадииятига соя соладиган ҳодисага айланниб кетади.

Хуллас, лирик шеърда топохронос лирик воқеликни жамловчи, уни шоир ва ўқувчи тасаввуридаги бошқа маконий деталлар ёрдамида тўлдириб, шеърнинг яхлит бадиий структурасини намоён этувчи асос сифатида олинади. Буларнинг барчаси ижодий жараёнда шоир ботинида юз беради. Шунинг учун лирик шеърда сюжет ва топохронос деганда шоир бадиий олами, ташқи топохронос ҳамда ботиний топохронос муносабатини ҳам назарда тутиш зарур.

### Адабиётлар:

1. Bachelard, Gaston. The poetics of space. – New York: Orion press. 1964.
2. Азим, Усмон. Жимлик: назм, наср, драматургия. – Т.: Faфур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012.
3. Гегель, Георг Вильгельм Фридрих. Эстетика ёхуд санъат фалсафаси ёхуд бадиий ижод фалсафаси. 1-жилд. М.Абдуллаев таржимаси. – Фарғона. 2011.
4. Коллектив. Адабиёт назарияси. Икки томлик. Биринчи том. – Т.: Фан, 1978.
5. Никитин М. В. Курс лингвистической семантики: Учебное пособие. – СПб.: Изд-во РГПУ им. А. И. Герцена, 2007.
6. Никитин М.В. Лексическое значение в слове и словосочетании. Спецкурс по общей и английской лексикологии. – Владимир: Владимирская типография, 1974.
7. Сайд Ғани, Ҳабибулло. Қўқон ушшоги. – Т.: Ёш гвардия, 1986.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори).